

Сийрат дарслари (25-дарс)



14:10 / 22.03.2019 6826

* * *

164. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Хунайн кунида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тақсимлашда баъзи одамларни бошқалардан устун қўйдилар. У зот Акраъ ибн Ҳобисга юзта туя бердилар, Уяйнага ҳам шунча бердилар. Арабларнинг ашрофларидан баъзиларига ҳам бердилар ва ўша кунги тақсимлашда уларни устун қўйдилар. Шунда бир киши: «Аллоҳга қасамки, бу тақсимлашда адолат қилинмади, бунда Аллоҳнинг розилиги ирода қилинмади», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ Мусони раҳмат қилсин! У бундан ҳам кўпроқ озор еб, сабр қилган эди», дедилар».

Аҳмад, Бухорий, Муслим, Абу Яъло, Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

* * *

165. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Толҳанинг Умму Сулаймдан бўлган ўғли ўлди. У аҳлига: «Абу Толҳага ўғли ҳақида мен унга гапирмагунимча гапирманглар», деди. У келганда кечки таомни тақдим қилди. У еб-ичди. Сўнг аёл унга авваллари ясанганидан кўра яхшироқ ясаниб кўринди. Шунда унга яқинлик қилди. Унинг тўйгани ва ундан ҳузурланганини кўриб: «Эй Абу Толҳа, бир қавм бошқасидан вақтинчаликка бир нарсани олиб турса, уларда у Аллоҳ хоҳлаганича қолса-да, кейин эгалари қайтариб олса, вақтинчалик олиб турганлар хафа бўлиши керакми?» деди Умму Сулайм. «Йўқ», деди Абу Толҳа. «Ўғлинг дунёни тарк этди», деди. Унинг аччиғи чиқди ва «Мени ифлослантириб бўлиб, кейин ўғлимнинг хабарини берасанми?» деди.

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, хабарни етказди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўтган кечангизда Аллоҳ иккингиизга барака берган бўлсин», дедилар. Кейин аёл ҳомиладор бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарда эдилар. У (аёл) ҳам у зот билан бирга эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафардан Мадинага келсалар, кечаси кирмас эдилар. Сўнг улар Мадинага яқинлашишди. Аёлни тўлғоқ тутди. Абу Толҳа унга қараб, ушланиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юриб кетдилар. Абу Толҳа: «Роббим, Ўзинг биласан, Расулинг чиқсалар, бирга чиққим келади, кирсалар, бирга киргим келади. Ўзинг кўриб турган нарса билан ушланиб қолдим», дерди. Умму Сулайм: «Эй Абу Толҳа, сезаётган нарсани сезмай қолдим, юривер», деди. Шунда юриб кетдик. Икковлари етиб келишганда яна тўлғоқ тутди ва ўғил туғди. Шунда онам менга: «Эй Анас! Эрталаб уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб бормагунингча биров эмизмайди», деди. Эрталаб уни кўтариб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб бордим. У зот мийсам ушлаб турган эканлар. Мени кўришлари билан: «Эҳтимол, Умму Сулайм туққандир?» дедилар. «Ҳа», дедим. У зот мийсамни қўйдилар. Мен болани у зотнинг қучоқларига қўйдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинанинг ажва навли хурмосидан келтиришни сўрадилар. Уни оғизларига солиб, майдалаб чайнадилар. Сўнгра боланинг оғзига солдилар. Бола тамшана бошлади. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ансорийларнинг хурмони яхши кўришига назар солинглар!» дедилар. Сўнгра унинг юзини силадилар ва Абдуллоҳ деб исм қўйдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Мийсам – ҳайвонга тамға босадиган темир асбоб.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан